

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 269 (6. 758)

1988 йил 25 ноябрь, жума

Баҳоси 3 тийин

XXVI Тошкент шаҳар ва XXIII Тошкент область партия конференциялари олдидан

Делегатнинг дил сўзлари

— Ботир Туробович, сизни бир мизутга мумкинми?
— Марҳамат!
— Делегат сифатида Чилонзор район партия конференцияси ишлари қандай баҳолайсиз?
— Агар чиндан баҳо қўйиб бўлса — аъло. Жуда қизғин, жуда жўшқин, жуда ошкора ўтишти конференция.
— Шундай ўтишни кутганимизми?
— Албатта. Конференция район партия ташкилотининг кўтуриш десам тўғри бўлади. Унда ютуқларимизни ҳам, камчиликлариимизни ҳам ақлоқ кўрабиз. Шундай экан у юқори савияда ўтиши керак.
— Камчиликлар ҳақида гапирдингиз. Улар нималардан иборат?
— Умумий камчиликларини сўзга чиққанлар санаб ўтишяпти. Менинг шахсий фикрим қуйидагича: сийёсий етуклик, гоёвий баркамоллик эса коммунист учун энг олий фазилат. Сийёсий билимларни чуқур, пухта, ҳар томонлама ўрганиш керак.
— Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
— Биз ишлаб чиқаришга катта эътибор бериб, узок вақт инсон омиллини унутиб қўйганимизда.
— Ахир моддий неъматлар инсон учун-ку!
— Тўғри. Лекин шу неъматларни инсон ишлаб чиқаради. Инсон эса эътиқодди юксак, қалби тоза, билимдон бўлиши керак. Айниқса, КПСС аъзоси учун бу хислатлар эгаси бўлиш муҳим.
— Ўз ишингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.
— Мен «Алгоритм» заводда комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғиман. Коллективимиз аҳил, Радиоаппаратураларни монтаж қиламиз. Пилларимизни ой сайин ортиги билан бажариб келмоқдамиз.
— Раҳмат сизга!
© СУРАТДА: Б. Т. Ҳусантураев.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Кадрлар гоёвий жихатдан чиниқсин

XIII Чилонзор район ҳисобот-сайлов партия конференциясидан

зиладиган тебдирларнинг комплекс плани ишлаб чиқилди.
Кадрларга баҳо беришда район партия комитети уларнинг демократиялашга, қайта қуришга муносабатига, коллективни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига, одамларга меҳнат қилиш ва дам олиш шартини яратиб бера олишига, охириги натижаларга эриша олиш қобилиятига эътибор берди.
Конференцияда делегатлари бўлган «Совласт» таълимкорлик корхонаси бош директори Александр Николаевич Мелкумов, «Алгоритм» заводи директори Раҳим Ражабов, 22-Болалар ўйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина ва кўплаб бошқа ўртоқлар худди шундай ишлашмоқда.
...Район партия ташкилотиде коммунистлар аттестация ўтказилмоқда... Хозирги кунгача район партия ташкилотларининг бешдан тўрт қисмида аттестация ўтказилди, 2000 дан зиёд коммунист аттестация қилинди.

Айтиб ўтиш керак, айрим коммунистлар сийёсий етуклик имтиҳонидан ўта олишмади. 293 коммунист шартли аттестация қилинди, 66 коммунист эса ўта олмади, 304 коммунист партиявий жазо олади, 22 киши эса партия сафларидан чиқарилди...

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида экономикада, маданиятимиз, интимоний ва руҳий ҳаётни ривожлантиришга қайси позицияда ёндошилмасин, инсон, унинг гоёвий эътиқоди ва сийёсий етуклиги, ватанпарварлиги ва интернационализи, унинг ижодий қобилияти, граждонлик позицияси ҳал қилувчи омил бўлиб қолади дейилди.
Марксизм-ленинизм назариясини чуқур билиш, сийёсий ва иқтисодий ўқувларни ташкил қилиш идеологик ишчимизнинг бошқа йўналишларида катта аҳамиятга эга...

Турар жойлардаги идеологик ишларнинг паст даражада эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Социалистик жамиятнинг айнан шу янқайқарида, яъни уй, маҳалла комитетларида аҳоли ўртасида жамоатчилик фикрини ўстириш, интернационал, ахлоқий ҳуқуқий ва атеистик тарбия, янги урф-одатлар, расм-русиларни аҳолига сингдириш соҳасида омлави-сий ишларни амалга оширишда районда ҳали маданий-оқаруви муассасаларининг кучидан тўла фойдаланилмапти...

Район қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди, унинг санитария ва экология ҳолати яхшиланди... 1988 йилнинг ўзида 4 мағазин, 3 ошона, «Бухоро» чойхонаси, болалар учун 6250 ўринли 5 та мактаб, 560 ўринли 3 та болалар боғчаси ишга тушрилди.
Олга силжилар бор, лекин ушар бизни қониқтирдими?
Еттинчи квартал аҳолисининг эътирозли тамоман ҳақли. 8000 аҳолига бор-йўғи 3 болалар боғчаси, бир мактаб, бир поликлиника, икки мағазин хизмат қилмоқда. 250 минг аҳолиси бўлган районда маънавий хизмат комплекс йўқ...

Маданий хизмат эса кечаги кун даражасида. Бунинг ҳамма билади. Аҳолини теъорик билан туза-тишимиз керак... Бутун мактаб ислохоти олға силжиллаётгани, муаммо ва қарама-қаршилликлар тўғрисида ўралашиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Базавий ташкилотларнинг оталик мактаблар ва ҳунар-техника билим юртилари билан алоқаси аввалгидек бўлишига қолмоқда. 40-ўрта ҳунар-техника билим юрти ўз устакхоналарига эга эмас, бош-

қа 29 билим юрти нормал ўқув-тарбия ишлари олиб боришга ярамайдиган биналарда жойлашган. 162, 181, 183-мактабларнинг ўқитувчилари орасида тарбиявий ишлар бўйлаб кетган...

Хисобот докладыда халқ судининг, прокуратура-нинг иш услубини ўзгартириш, техник-иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришнинг янада юксалтириш, уй-жой муаммоларини, соғлиқни сақлаш маданиятини юксалтириш ҳақида сўзлаб ўтилди.

Назаримда кадрлар бобида биз эътибор беришимиз зарур бўлган масала уларни гоёвий чиниқтириш деб ўйлайман. Биз кўп эътиборимизни ишлаб чиқаришга, планларни бажаришга, ҳуллас, ҳўжжали ишларни юксалтиришга қаратдик. Кадрларни, ҳўсусан, ўринбосарларимиз бўлган ёш авлодни ҳўсусан бйркамол инсонлар бўлиб етиштириш зарурлигини унутмаслигимиз лозим.

Мактаб ислохоти ҳақида гапирмай олжам йўқ. Бутунги ўқувчи эртага ҳаётимизнинг турли соҳаларида жавлон уради. Унинг қандай инсон бўлиши мактабда қандай таълим олганига боғлиқ. Ислохот бошланди, ислохот давом этапти. Лекин қийинчиликлар бартараф этилмапти. Олти ёшлилар учун алоҳида хоналар, моддий-техника базаси етарли эмас.

Хисобот доклады ва ревизия комиссияси раиси А. А. Шиликовнинг доклады юзасидан сўзга чиққан делегатлар ҳам кўпроқ идеология ишини жонлан-тириш ҳақида сўзладилар.

А. Я. Ким, 4-ЖЭУ мастери, бошланғич партия ташкилот секретари:

— Бизга райком томонидан аниқ ёрдам керак. Уй-жой бошқармасининг битта хўжяини — халқ депутатлари район Совети бўлсин.

Л. Х. Манолава, район соғлиқни сақлаш бўлими мудири:

Район партия комитети назаримда аъзолари кам бўлган бошланғич партия ташкилотларини эсдан чиқариб қўйди. Район соғлиқни сақлаш бўлими, шаҳардаги районлар орасида энг бўш материал базасига эга Касалхоналар йашагача яроқсиз уйларга жойлашган. Ҳеч кимга керак бўлмаган жойларни соғлиқни сақлашга берилган. Бу ҳолга чек қўйиш керак!

Ж. Б. Бўриев, Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институт ректори:

Райондаги мактаблар теъорик жихатдан тўла таъминланмаган. Ўқитувчиларни уй-жой билан етарли таъминланмагани ҳам таъшиқлидир.

Н. И. Надольская, «Ўзбекфильм» киностудияси бошланғич партия ташкилот секретари:

— Кейинги йилларда кўпгина фильмларимизда турғунлик йилларига қарши курашган, софдал коммунистлар образи яратилди. Шахсий фикрим: райком қонинда қайта қуришда партия ташкилотлари кўлга киритган ютуқларни тарғиб қилувчи совет ташкили этилса яхши бўлади.

—Уз-ўзидан кўриниб турибди: делегатларни эртанги кун, келажак ташвишлантиряпти. Қайта қуришнинг эртанги талабалари, яна таскор бўлса ҳам айтмай, гоёвий чиниққан кадрларга боғлиқ. Демак, энг шимариб ишлашимиз керак!

Делегатнинг сўзларини «Тошкент оқшоми» муҳбири Т. УБАЙДУЛЛАЕВ ва А. АҚОМОВлар оққа кўчирибди.

Конференция ишларида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсанов қатнашди.

Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилот ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент шаҳар ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ташкилий пленумда Б. В. Ефремов Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари, А. М. Ақомов район партия комитетининг иккинчи секретари, Т. П. Моря район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

Б. А. Ҳўжаев район партия ташкилот ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Бугун Тошкент шаҳар Советининг VII сессияси бўлиб ўтмоқда

Қайта қуриш талаб этганидек

Кеча шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлислар залида ўтказилган 6-секция мажлиси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ва шаҳарни комплекс социал-иқтисодий ривожлантириш 1989 йилги плани лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Бу йилги ҳам аввалги 5 та секциялар каби тақлиф ва мунозараларга бой ўтганлиги билан ажралиб турди.

Йилги депутатлар кун тартибидеги асосий масала юзасидан шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси Қ. А. Солдатовнинг докладыни тингладилар.

— Кейинги пайтда шаҳар Совети ижроия комитети томонидан кўча сессиялар, жойларда қабул қилувчи ва «Оқиқ хатлар кун» ўтказиш одат тусига кириб қолди, — деди у ўз сўзида. — Бундай тадбирлар аҳолининг талаб ва истакларини ўрганиш, уларнинг эътиборини тўларақ таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Кўча сессияларда долзарб масалалар, масалан, келгуси йилда шаҳарда қуриладиган турар-жойлар кўламини муҳокама қилинди.

Ўтган 10 ой ичиде товар маҳсулотини ишлаб чиқариш плани 107,5 процентга бажарилди. Капитал қурилишга эътибор кўчайтирилди. Ҳал қилинмаган қатор масалалар бор. Халқ истеъмол молларининг асосий қисми шаҳарда эмас, бошқа жойларда реализация қилинмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи фирма магазинларнинг плани шаҳар товароборотида қиради. Аммо пул маблағи областга ўтказилди.

Шаҳарда иттифок миқёсдаги саноат корхоналари кўп бўлишига қарамай асосий оғирлик маҳаллий Советлар зиммасига юклаб қўйилган. Хозиргача бирорта болалар боғчаси бўлмаган ёш маданий-маънавий шароити талабга жавоб бермайдиган корхоналарнинг борлиги ачинарлидир.

Докладчи план комиссияси томонидан олиб борилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилишга қаратиб қилди. Лекин шаҳар ва район план комиссиялари ўртасидаги муносабатлар, қайта қуриш бошланганидан бери киритилган ўзгаришлар, шаҳар озиқ-овқат программасининг бажарилиши масалалари етарлича очиб берилмади. Шу боисдан муҳокама пайтида танқидий фикр билдирувчилар кўп бўлди.

280-сайлов округидан депутат Г. Алимов мажлис раисидан биринчи бўлиб сўз сўради.

— Ҳисобот даврида маълум даражада олға силжиш бор, — деди у қўнғачлиқ бил-

ан. — Капитал қурилиш соҳасидаги муаммолар-чи? Менимча, турар-жой фондларини оширишга мўлжалланган аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Нотиқ шаҳар транспортнинг аҳоли, уни яхшилаш ҳақида ҳам гапирди. Одамлар эрталаб ишга, кечқурун эса уйларига ўз вақтида етиб боришолмапти. Барча транспорт воситаларининг тегиш қатновини йўлга қўядиган пайт келди.

— Доимий комиссия бирор муаммони ўрганагач, ҳал этиш учун ижроия комитетга тақдим этади, — деди 170-сайлов округидан депутат В. Д. Ардатов. — Натижасини эса қўтавериб қараймиз. Масалан, комиссия эътиёт қисмларни ўз вақтида етказиб бериш ёки ҳар бир районнинг ўзида ишлаб чиқариш юзасидан тақлиф киритди. Афсуски, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Шаҳар Совети ижроия комитети депутатлар ёки комиссиянинг ҳар қандай тақлифига ўз вақтида расмий жавоб бериш керак, деб ўйлайман.

Шаҳарни социал - иқтисодий ривожлантиришни яхшилаш учун бирча районларга бирдек эътибор бериш лозим. Пиллаштиришда аввало меҳнат коллективлари ўз имкониятларини чамалаб чиқишлари зарур. Кейин эса мавжуд ресурслар баланси аниқлашиб тасдиқланади. Бизда эса бунга аҳамият берилмапти.

— Владислав Дмитриевич Ардатовнинг фикрларига тўла қўшиламан, — деди 1-сайлов округидан депутат И. Қ. Муртазов. — Қўпича тақлифларимиз бюджет планига кирганми-йўқми, билмай туриб овоз бераверамиз. Ҳисобот даврида шаҳар комсомол комитети томонидан 10 дан ортқи тақлифлар киритилди. Шулардан энг муҳими — Студентлар шаҳарчасидаги аҳоли ҳали ҳам ўнгланмапти. Бундай мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин.

Мажлисда 254-округдан депутат К. Ишдошева халқ истеъмол моллари сифатини ошириш ҳақида гапирди. Чилонзор район план комиссияси раисининг ўринбосари В. К. Хомерики эса шаҳар план комиссияси тўлиқ эркинлик берилаётгани, айрим масалалар район план комиссияси иштирокисиз ҳал қилинаётгани ҳақида тўхталиб сўзга чиқиб бошқа нотиқлар ҳам шаҳар план комиссияси фаолиятини баҳолашда танқидий ёндошиб, ишни яхшилаш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришди.

С. ШОДИЕВ
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлислар залида шаҳар Совети депутатлари иштирокида бўлиб ўтган секция мажлислари ҳақидаги репортажларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА ҒАМЛАШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

(тонна ҳисобида 24 ноябрга бўлган маълумот)

улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатлари	сабзавот		картошка		мевалар	
	план бўйича	аслида	план бўйича	аслида	план бўйича	аслида
Ленин райони	7110	5212	2000	1133	190	354
Фрунзе райони	4260	4495	1800	1737	150	286
Куйбисhev райони	11140	7794	3000	1135	200	202
Чилонзор райони	11520	9327	14000	8592	1650	1084
Акмал Икромов райони	8530	5930	7500	3428	750	869
Сергели райони	15140	15515	21000	18544	3200	747
Хамза райони	16630	18898	26300	21800	3200	1130
Ҳўжалик ҳисобидеги 1-мактаб магазини (Киров райони)	500	689	—	—	—	—
«Ташплодовощ» - «пром» бирлашмаси	74830	67860	79200	56369	9300	4672
Бўйича жаман планига нисбатан	90,7	71,2	71,2	71,2	50,2	50,2
«Тошкент» агрофир- маси (Киров, Октябрь, С. Раҳимов районлари)	33000	21110	18000	7961	2200	780

ШАРҲ: маълумотлардан кўриниб турибдики, сабзавотларни узок муддетга сақлаш мақсадида ғамлаш ишлари чакки бораётгани йўқ. Фрунзе, Сергели, Хамза район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатлари, ҳўжалик ҳисобидеги 1-мактаб магазин белгиланган планларни ҳатто ошириб бажаришди. Сўнгги ҳафтада Ленин, Куйбисhev, Чилонзор районларининг тайёрловчилари ҳам ана шу маҳсулотларни ғамлаш бўйича ишларни жонлантирдилар. Аммо кўнгилсизликлар ҳам йўқ эмас.

4-мева-сабзавот комбинатидаги омборхоналардан бирига ғамланаётган маҳсулотлар учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Унинг ичкерисидан ҳаво ҳарорати нормадан анча юқори, хоналар шамол-тиллямапти. Шунингдек, эътиёт электр таъминоти йўқ, иссиқлик трассасини ётқизиш тугалланмаган. Саралаш ҳеҳидега технология уйсқуларни ишга туширилмаган, сабзавот омборининг иш самардорлиги комплекс теқширишдан ўтказилмаган, ишга тушириш-созлаш ишлари тугалланмаган. Чилонзор район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбина-

тида ҳам омборхоналарни хизмат кўрсатувчи ходимлар штати билан комплекшлаш ғамини кўришмаган. Орёл шаҳридаги «ГипроНИСельпром» институт яратган лойиҳада бизнинг икким шароитларимиз ҳисобга олинмаган. Бу албатта омборхонанинг лойиҳа қувватига чиқишга тўсқинлик қилади.

Вохолани, унинг смета қиймати 1759,9 минг тонна сизимга эга бўлган омборхонада ана шундай аҳоли маҳсулотлари бўлиб қолган. У қандай қилиб рўй берди? Ахир шу йил 30 июнда «Ташплодовощпромм» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Умаров раислигидаги ваколатли давлат комиссияси уни фойдалангача қабул қилиб олган эдику! Улар камчиликларни, тўла ҳажмдаги ишлар бажарилмаганлигини сезишмаган ёки ҳаммаси ўз ўрнига тушишга умид қилишган, деб таҳмин қилиш қолади, йўқ.

Утган ҳафта мобайнида Акмал Икромов районига 1 тонна ҳам картошка тайёрлангани йўқ, Куйбисhev районига 16 тонна, Ленин районига 17 тонна тайёрланди. Кўриниб турибдики, «Ташплодовощпромм» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу комбинатларга ҳам план белгилар экан, уларнинг реал имкониятларини ҳисобга олмаган, ҳозир ҳам тегишли ёрдам бераётгани йўқ.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ЎТ ОЧАЙЛИК!

23 ноябрь кунин Тошкентда гиёҳвандликка қарши кураш муаммоларига бағишланган Бутуниттифок ўлими-амалии конференцияси ўз ишини бошлади.

Ички ишлар министрлигининг, иттифокдош республикалар ички ишлар министрликлрининг, ҳўқуқни муҳофаза қилуш органларининг масуул ходимлари, олимлар, партия ва совет ходимлари иштирок этмокдалар.

Конференция очилишида таъкидлаб ўтилганидек, бундан атиги бир неча йил мўқаддам аниқ мазву бўлган гиёҳвандлик ҳозирги пайтда ўткир социал муаммога айланиб қолди, ана шу иллатга қарши кураш ҳўқуқни муҳофаза қилуш органларининг ҳам, меҳнатчи хизматларининг ҳам, кенг жамоатчилигининг ҳам куч-гайратлари бирлаштирилишини тақозо этади. Мамакатда наркотик моддалар истеъмол қилувчи 133 минг киши қайда

этилган бўлиб, шуларнинг қарчи ярим беморлар, сурун-каки гиёҳвандлардир.

Шунга қарамай, наркотик моддалар истеъмол қилувчи кимсаларни аниқлаб, ҳисобга олиш ишлари хали ҳам суст-қолди билан ўтказилмоқда, профилактика чораларининг самардорлиги пасткича қолмоқда. Наркотик моддаларнинг гайри қонуний обороти чикши йўллари ва манбалари яхши тўсиб қўйилмапти, ана шу моддаларни сотувчилар, талон-тарож қилувчилар, таъшувчиларни, исласотхоналарнинг эгаларини ҳамда наркотик моддалар истеъмол қилушга бошқа граждонларни жалб этувчи шахсларни шош қилиш борасидаги ҳаракатлар етарлича ушўқилиқ билан амалга оширилмапти.


Гиёҳвандликка ва наркотик моддаларни яширинча сотишга қарши кураш ички ишлар хизматлари ҳамда бўлимларининг фаолиятини яхшилаш

борасидаги мана шу ва бошқа бarcha энг муҳим муаммолар, соғлиқни сақлаш органларининг, илмий-таъдиқот институтларининг вазифаларини конференциянинг муҳокама программасига киритилган.

Ўзбекистон поштайти уни ўтказиш жойи қийбат танланганлиги тасодифий эмас. Ўрта Осиё регионини кўнўроти етиштириш учун энг қулай шарт-шароитларга эгадир, регион эса наркотик моддаларни тарқатиш учун ҳам ашё базаси ҳисобланади. Айни вақтда бизнинг республикамиз гиёҳвандликка ва наркотикизмга қарши курашувчи мутахассислар тайёрланмаган ҳозирча мамлакатдаги бирдан-бир республикадаги СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкентдаги олий мактаби ҳузурида шу иш билан банд бўлган оператив вакиллар малакасини ошириш факультети очилган.

(ЎзТА).

© Чилонзор район партия ташкилоти сафларида 10173 КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидат бор. 8500 коммунист халқ ҳўжалигида меҳнат қилади, 1000 дан зиёд коммунист умумий оқватланиш, маънавий хизмат, коммунал хизмат соҳасида, 3000 га яқин коммунист соғлиқни сақлаш, 1100 киши маориф ва олий ўқув юртиларида, 660 киши физкультура ва спорт, илмий муассасаларда ишламоқда. Район коммунистлари 41 миллат вакиллари. Район партия ташкилоти 271 бошланғич ва 188 цех партия ташкилоти, 3600 партия группаларини бирлаштиради.



Конференция делегати, 138-мактаб директори Дилбар АЗИМОВА ҳикояси

— Эрталабданок яхши кайфият билан уйдан чиқдим. Бутун конференцияда ошкора гаплар бўлишини, бarcha ютуқ ва камчиликлар ўртга ташланиб, муҳокама этилишини дил-дилидан сезиб турардим.

Залда ўтирибману аввалги конференциялар эсимга тушади. Ким президиумда ўтиради, ким райком аъзоси бўлади, ким бюро аъзоси бўлади, сўзга ким чиқади, хатто нима дейди — аввалдан тайёранлиб, тасдиқдан ўтарди. Ҳозир эса ҳар бир номзод конференция қатнашчилари розилиги билан тасдиқланяпти. Фарқ, ўзгариш жуда катта.

Конференция бошланишидан бир ҳафта аввал ҳисобот доклады билан танишдик. Фикрларимизни айтдик, қўшимчалар киритдик.

Район партия комитетининг биринчи секретари Борис Владимирович Ефремов «Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишлари ва XIX Бутуниттифок партия конференцияси қарорлари руҳидан келиб чиқиб, қайта қуришни янада чуқурлаштириш борасида район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» қилган ҳисобот докладыда Чилонзор районининг деярли ҳамма соҳаси қамраб олинган, вазиятга тўғри баҳо берилган. Мана, ҳозир эътибор беринг-а.

«...Қайта қуриш шартинида ишлаётганимиздан бери уч йил ўтди.

ШАҲРИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

Тошкент шаҳар Советининг депутатлари секция мажлисларида ижроия комитетнинг 1988 йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини ва шаҳарни комплекс социал-иқтисодий ривожлантириш 1989 йилги плани лойиҳасини муҳокама қилдилар

Ечимини кутаётган муаммолар

Матбуотда эълон қилинган «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, Тошкент шаҳарнинг комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш 1989 йилги плани юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Тезислари» ҳамма жойда қизғин муҳокама қилинди.

Сессия арасида шаҳар Совети ижроия комитетининг катта залига тўпланган 1-секция депутатларининг диққати ушбу масалага қаратилди. Секцияда қурилиш ва архитектура, савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизмат кўрсатиш тармоғи, миллий масалалар ва интернационал тарбия, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибни сақлаш бўйича доимий комиссияларнинг бу борада ишлари кўриб чиқилди.

Секция мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раисининг ўринбосари К. Н. Тўлаевнинг йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича 1989 йилги планлари билан таништириб ўтди.

Бу планларга кўра шаҳарда саноат ва товар маҳсулотлари ҳажми кўпайтирилади, қурилиш-монтаж, уй-жой қурилиши, турар жой кооперативлари, мактаблар, болалар богчалари, касалхона ва поликлиникалар қурилишига катта маблағлар ажратилади.

Шаҳар ижроия комитетини аҳолининг яқин тартибда уй-жой қурилишига катта эътибор беришти. Бугунги кунда мана шундай участкалардан 2,5 мингтага қурилишнинг таъминлаш планлаштирилмоқда. Лекин бу планларнинг амалга ошириш учун аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш зарур.

Секция мажлиси катнашчилари ушбу масала юзасидан қизғин мунозара бошлади.

Қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базаси бугунги кун талабига жавоб бермапти. Бизга турар жой бинолари ниҳоятда зарур бўлган бир пайтда қурувчиларнинг иш вақти бекорга кетяпти. — деди куюнчал билан сўзлаган 117-сайлов округидан депутат Н. Ваҳобов. — Сўнгги пайтларда бирлашмашиш учун саломатлик ва спорт комплекслари барпо этиш ёмон аҳволда қолди. Бу объектада бош пураётганини йўқлиги ишнинг орқаси тортипти. 1984 йилда бошланган қурилишда ҳозирча 200 минг сўм ўзлаштирилди, ҳолос. Бу эса белгиланган маблағнинг ярмига ҳам тенг эмас. Тошкент шаҳар

Советининг VII сессиясида мана шундай муҳим объектлар қурилишига алоҳида эътибор берилишини истардим.

451-сайлов округидан сайланган депутат Н. А. Умарова (аграрно-иқтисодий комплекс ишлари касаба союзулари шаҳар комитетининг раиси) шаҳримиздаги ошоналар ва савдо хизмати устида тўхталиб ўтди. У эътиборин савдо ва овқатланиш пунктларидаги юзга келган мураккаб шартномага қаратди.

Аҳолига қўнғилдагидек хизмат кўрсатиш учун авваламбор бугунги кун талабига жавоб берадиган даражада ишлаш зарур. Бундай пунктларнинг ансарияти эски биноларга жойлашган. Лекин мен бугун болалар учун овқатланиш комбинати қурилиши устида тўхталмоқчиман. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи ёнда жойлашган бу объект қурилиши 1985 йилда ниҳоятга етказилиши керак эди. Бироқ қурилиш ишлари ҳанузгача қўзғилиб кетмапти. Объектга акратилган маблағлар ҳали-вери тўла ўзлаштирилганига кўзимиз ётмайди. Ахир бу объект излаб мактаб ўқувчилари учун ниҳоятда зарур-ку?

Депутат Н. Умарова яна бир муҳим объект — ёпиқ бозорнинг қурилиши ҳам қурувчилар совуққонлиги туфайли тўхтаб ётган ҳақида ташвишланиб таъкидлади.

Мажлис катнашчиси 335-сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР Махсус монтаж ва қурилиш ишлари миенистрининг ўринбосари В. Н. Скрипневский эса Навоий кўчасида барпо этилаётган М. Горький номидаги театр биносининг ҳозирги аҳволига тўхтади.

— Бу ниҳоятда муҳим объектлардан бири. Лекин мазкур бионинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳалигача тўла ишлаб чиқилмаган. Мени ташвишга солаётган ана бир масала — шаҳримизнинг қишга таътирларига масаласидир. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан бу йил квартираларни 21 мингтага икситиш радиаторлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Афсуски, бу радиаторларнинг 8 мингтаси туртинчи кварталда берилиши ҳаммани ташвишга солади. Аҳолига турли-туман ваъдалар эмас, балки конкрет амалий иш керак.

Мажлис муҳокамасида сўзга чиққан Н. А. Литова (353-сайлов округи), Ҳ. С. Ҳошимов (138-сайлов округи), Х. А. Асқомов (291-сайлов округи), Л. П. Тернових (467-сайлов округи) бугунги кунда ўзларнинг ташвишлантираётган масалалар ҳақида гапирдилар.

Ободонлаштириш ишлари — диққат марказида

Шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлислар залига бўлиб ўтган 3-секция кун тартибига шаҳар ободончилиги ва санитария ҳолати ҳамда шаҳар Совети ижроия комитетини бошқарув аппаратидаги ўзгаришлар ҳақидаги масалалар қўйилди.

Секция мажлисида 34-сайлов округидан депутат Т. Ҳ. Ҳайдаров раислик қилди. Асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини раисининг ўринбосари Ҳ. Е. Охунжонов сўзга чиқди.

У ўз нутқида ободонлаштириш борасидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди. Ёш қурилиш ҳўжалигидаги муаммолар ҳам етарлича. Космонавтлар, Грузовая сингари кўчаларнинг ремоти узок вақтлардан буён чала ётибди. Бу ишларни тегишли ташкилотлар қаттиқ назорат остига олишлари керак. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, йўл қурилиши ва ремотида ишлатиладиган замонавий техникалар ҳам етарли эмас. Лекин шунга қарамай бу борада анчагина ишлар қилинди.

Ирригация шаҳобчалари, кўча ва майдонларнинг кўкалмадорлаштириш масалаларида етарлича ташкилотчилик кўринмапти. Шунинг учун бошқарув аппаратида структура ўзгаришлар қилинди.

Нотийқ чинқилган масаласидан хал бўлмай келаётган муаммо ҳақида кўйилиб гапирди. Бу ишнинг эса шаҳар нормативлар станцияси ҳамон пайсалга солиб кетди. Ҳозирги норматив бўйича эса қаттиқ чинқилган рўйхатга киритилмапти. Ахир бу ҳол қачонгача давом этади?

Ободончилик ишларида биргаликда ҳаракат қилиш керак. Афсуски, бу борада кўпгина ҳамшаҳарларимиз эътиборсизлик қилишяпти. Улар фойдаланиб бўлган билетлар, абонементлар, музаймоқ идишлари, папирос қолдиқлари ва қўтиларини дуч келган жойга иргитишади. Шундоққина ёнгиналаридан турган махсус идишчаларга эътибор бермайдилар. Аввало биз ўзимизни ўзимиз ҳурмат қилишимиз керак. Ана шундангина юксак маданиятга эришилади.

Муҳокамада сўзга чиққан 445-сайлов округидан депутат А. М. Акрамхўжаев «Авто-

дормехбаза»да шофёрлар етишмаслиги, машиналарнинг кўпчилиги бузуқлиги сабабли кўчага чиқолмаслиги, нормативларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида тўхтади. Шаҳарни ободонлаштириш ишларида илгир усуллар ва замонавий техникалардан фойдаланиш, моддий базани мустаҳкамлаш, юқори кучлиниш линиялар остидаги дарахларни кесишга эҳтиётлик билан ёндашиш масалалари ҳам унинг эътиборидан четда қолмади.

245-сайлов округидан депутат А. А. Умаров кўп қаватли уйлардан чинқилган олиб кетиш ишлари тааллуғли бўлган янги лойиҳа устида тўхтади. Экология, табиати муҳофиза қилиш учун кўкалмадорлаштириш ишларини авж олдириш, автомобиллардан чиқаётган чинқин газларни камайтириш ҳусусида гапирди.

Депутат В. А. Исмомов (359-сайлов округи) шаҳар ободончилиги ва санитария ҳолатини янада яхшилаш устида тўхтади. Табиатни газлар билан ифлосланишини камайтириш учун газ билан ишлайдиган транспортлар сонини ошириш кераклигини уқтирди.

46-сайлов округидан депутат Ш. Н. Назаров шаҳарда санитария ҳолатининг ёмонлигини, йўл қурилишларидаги ҳўжасизликлар, суварларнинг ифлосланаётганлигини ташвишланиб гапирди. Бу борада шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг санитария-эпидемиология станцияси ва шаҳар ГАИ сининг ташаббуси кўринмапти.

Депутат В. Д. Карлов (401-сайлов округи) шаҳардаги газлар, чинқилган нафасни бўғатишни, сайловчилар нақзаларининг кўпи бакаримлаётгани, уларни бакарини учун эса маҳаллий Советлар кўпроқ маблағ ажратиб кераклиги ҳақида тўхтади.

Секция мажлисида ободонлаштириш ишлари бошқарув механизмининг йўқлиги, фаррошлар, «Автодормехбаза» ишчилари осон йўл қидириб ҳазонлардан «гулханлар» ёқишгани, шаҳарнинг чекка жойларида ҳам маданий-маиший қурилишларга эътибор бериш кераклиги ҳақида атрофчиқа фикр юритиди.

Якун ва режалар

Шаҳар Совети ижроия комитетининг кичик мажлислар залига йигилган 2-секция депутатлари ўз эътиборларини 5 ноябрда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, Тошкент шаҳарнинг комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш 1989 йилги плани юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Тезислари» муҳокамасига қаратишди. Секцияда турар жой, коммунал ҳўжалиги ҳамда ёқилиш-энергетика таъминоти ва жамғарма ресурслари бўйича доимий комиссиялар иши кун тартибига қўйилди.

Секция ишига 62-сайлов округидан депутат А. Г. Ғуломмаҳмудов раислик қилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини раисининг ўринбосари Л. А. Костин сўз олиб, матбуотда эълон қилинган Тезисларда шаҳар ижроия комитетини олиб босган ишлар етарлича ёритилганлиги, меҳнаткашлар билан ишлашда янги усуллар қўлланилиб, «Оқшом» газеталарида, радио ва телевидениеда меҳнаткашлар билан бевосита мулоқотлар олиб борилган, «Очиқ ҳаётлар» кўни ўтказилгани, умуман шаҳар ҳаётининг кўплаб соҳаларидаги силжишларга тўхтаб ўтди. Нотиқ меҳнат-

кашларнинг шикоятлари билан ишлаш, ЖЭКлардаги камчиликлар, сув босган ер-тувлар хусусида, «Водоканал», «Теплоэлектрснаб» ташкилотларининг ишдаги ва транспорт соҳасидаги нуқсонлар ҳақида кўйилиб гапирди.

Шунингдек, сўнгги пайтларда квартиралар ремоти, икситиш тармоқларига оид амалга оширилаётган ишларга, экономика ва социал соҳага, ҳўжаликни бошқариш ва иқтисодий ҳаётга, ташаббускорлигини рағбатлантиришга янгица ёндашуларга ҳам тўхтаб ўтилди.

Сўнгра турар жой ва коммунал ҳўжалиги бўйича доимий комиссия раиси Ю. Н. Гончаров уйларнинг капитал ремоти, депутатларни қабул қилиш, улар билан ишлаш, меҳнаткашларнинг шикоятларига эътибор, шаҳар қурилишидаги бир хилликлар ҳақида сўзлади.

58-сайлов округидан депутат В. М. Гашилов қудуқлар, коммунификациялар, уй-жой ремотлари учун ресурслар етишмаслиги, бу ишларни аниқ мақсадга қаратиб амалга ошириш, уйларни икситишда марказлашган диспетчерлик пункти ташкил қилингани, лекин улар мақсадсиз бўгани учун яна ЖЭКларга хабар беришдан нафақа ўтказишларига қарши камчиликларни рўй-рост айтиб ўтди.

Депутат И. Н. Рязишкиса (372-сайлов

Ишга янгица ёндашиб

4-секция мажлиси кун тартибига матбуотда эълон қилинган Тезислар муҳокамасидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, шаҳар Совети ижроия комитетини бошқарув аппаратидаги ўзгаришлар тўғрисидаги масалалар қўйилди.

Секция мажлисида доимий комиссия аъзоси, депутат Г. В. Салабаева раислик қилди.

Мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини раисининг ўринбосари К. М. Рафиқов доклад қилди. Нотиқ 5 ноябрда «Оқшом» газеталарида берилган Тезисларда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бу йил амалга оширилган ишлари батафсил ёритилганлиги тўхтаб ўтди. Сўнгра шаҳар ижроия комитетининг бўлимлари, бошқармалари, Бош бошқармаларнинг асосий йўналишлари, иқтисодий-социал масалаларнинг ҳозирги ошкоралик ва демократия шароитида ҳаётга тадбиқи ҳақида сўзлади.

Шаҳар ижроия комитетини ҳозирги даврнинг асосий талаби қайта қуришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва икчиллик билан амалга ошириш йўлидан бориб районларда ўша жойининг ўзида мажлислар ўтказилмоқда. Район Совети ижроия комитетига мажлисларни, сессияларни тайёрлаш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жойларда эса аҳоли

билан учрашувлар ўтказилмоқда. Газета, радио, телевидение орқали меҳнаткашлар билан бевосита мулоқотлар шаҳар ҳўжалигидаги кўплаб муаммоларни тезда ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Бу йил уч бор ўтказилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияларини тайёрлашда доимий комиссиялар активлиги, депутатлар иштироки кўпайди. Депутатлар нақзаларини назорат қилиш ҳам яхшиланди. Октябрь районидаги бўшатиладиган Давлат стандартлари бошқармаси биносида 39-поликлиника очилди. «Олимпиада» массивида янги мактаб, ТошМИ микрорайонида, Собир Раҳимов районида поликлиникалар очилди, 11 минг 189 ўринли тўққизта янги мактаб, 1 минг 400 ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилди. Халқ маорифи ишларига шу йилнинг ўзида 147 миллион сўм ажратилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қадар моддий-техник базалар мустаҳкамланди: 700 ўринли янги касалхона, бир сме-ланди 1400 беморни қабул қилувчи поликлиника қурилди, 9 маъмурий бино шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ихтиёрига берилди.

Нотиқ маданият ва спортга оид муаммоларга ҳам тўхтаб ўтди. Масалан, сўнгги 6 йил давомида шаҳарда бирорта типовой ки-но-театр қурилмади. Бундай фактлар билан мурося қилиб бўлмайди.

Барибир транспорт соҳасида амалга оширилган ишлар бугунги талабга жавоб бермайди. Шу йилнинг ўзида шаҳар аҳолисида транспортга оид 600 та шикоят тушди.

Муҳокамада сўзга чиққан депутатлар аҳолига хизмат кўрсатиш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар устида батафсил тўхталиб ўтилди.

Депутат И. Воҳидов ўз эътиборини шаҳар телефон тармоқларига қаратди. — Алоқа воситаларини ҳал қилиш — бу гражданиларнинг вақтини тежаш демандир. Квартираларга телефон ўрнатилиши хонадонлар узогини яқин қилади. Бироқ телефон алоқаси масаласи ҳам муаммолигича қолляпти. Набелларнинг носозлиги туфайли зарур номерга тушиб баззан амри маҳол бўлмоқда.

— Фақатгина транспорт ва алоқа эмас, балки бошқа тармоқлар ҳам бугунги куннинг талабига жавоб беролмапти. — деди мажлисда сўзга чиққан депутат, шаҳар транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссиясининг раиси Ш. Р. Шоабдурахимов. — Транспорт соҳасида аҳолига етарли хизмат кўрсатилмаётганининг сабабларидан бири йўлларнинг қонирасиз аҳволда эканлигини. Йўлларнинг торлиги, асфальтланмаганлиги, санитария талабларига жавоб бермаслиги, ёнгини системаларнинг ёмонлиги транспорт воситаларига таъсир қилмай қолмайди. Сўнгги йилларда нима учундир катта магистраль йўллар барпо қилишга етарли эътибор берилмай қолди. Бугунги кунда шаҳримиздаги мавжуд кўчаларнинг умумий узунлиги 2025 километрни ташкил қилади. Лекин уларнинг катта қисми ниҳоятда тор, транспорт юриши учун ноқулай. Депутат Ш. Ш. Исмолов телефон тармоқла-

оқшоми) ўз нутқини «Халқ депутатлари Советларининг Тошкент шаҳрининг 1986—1990 йилларга ва истиқболдаги 2000 йилгача мўлжалланган «Саломатлик» комплекс тармоқ программасини амалга ошириш борасидаги вазифалари тўғрисида»ги шу куннинг долзарб муаммоларига қаратди.

Депутат И. Н. Фролов (70-сайлов округи) квартира ва уйлардаги авария ҳолатлари, маиший-ташкилий ишларни уюштириш ҳақида баҳс юритди.

Ёқилиш-энергетика таъминоти ва жамғарма ресурслари доимий комиссияси раиси, депутат В. Г. Татоев депутатлар ёрдамида ресурслар масаласига оид шаҳар ҳўжалигига тегишли жумбоқларни ҳал қилиш, квартиралар ремоти миқдори ва сифатини ошириш, сантехника, слесарлик, пайвандлаш ишларини яхши йўлга қўйиш, ертувлардаги сув босишларни тугатиш ҳақида кўйилиб сўзлади.

Тошкент шаҳар Совети доимий комиссиясининг аъзоси, депутат Х. С. Орипов меҳнаткашларнинг таъминоти, дам олиши ва иш унуми ҳақида тўхтади.

Секция мажлисида раислик қилган депутат А. Г. Ғуломмаҳмудов атроф-муҳитни ифлослантираётган ис газ ва бошқа манбалар ҳақида, ёшларнинг дам олиш масканлари тўғрисида фикр юритди.

Тошкент шаҳар Советининг 4-секция мажлиси муҳокамасини 404-сайлов округидан депутат Н. В. Ефимова бошлаб берди. У депутатлар нақзалар ёмон бажарилаётгани, ҳатто йилдан-йилга суришиб кетаётгани, «Алгоритм» заводиданги поликлиника, медицина-санитария бўлими қурилиши қўзғилиб кетгани, «Алгоритм» ва «Қизил Шарк» массивлари аҳолисидаги медицина хизмати кўрсатиш муаммолари ҳақида гапирди.

3-сайлов округидан депутат С. С. Охунжонов социал таъминот ишларидаги камчиликлар ҳақида фикр юритди. Депутат Ж. Б. Бўронов (440-сайлов округи) матбуотда эълон қилинган Тезисларда мактаблар, олий ўқув юртилар, спорт, стадион қурилишлари, ёшларнинг дам олиш марказлари тўғрисидаги масалаларда аниқликлар йўқлигини таниқил қилди.

Депутатлар Ю. А. Красиков (4-сайлов округи) ва А. В. Лисухин (168-сайлов округи), И. Л. Мелхисов (208-сайлов округи) жамоат транспорти ва шаҳар аҳолисини озиқ-овқат, сабзавот, мева билан таъминлаш масалаларини сессияда кўтариб чиқишни, кооперативлар фаолиятини тўғри йўлга қўйишни таъкидлаб ўттиди.

Сўнгра бошқарув аппаратидаги ўзгаришлар, уларга сайланадиган раҳбарлар депутатлар муҳокамасидан ўтди.

рига эътиборни қаратиш зарурлигини таъкидлади.

— Кўчалардаги телефон автоматларининг катта қисми яроқсиз аҳволда. Хонадондаги телефон йўқ одамнинг кўчага чиқиб сарсон бўлишини кўз олдинизга бир келтиринг-а! Бугунги кунда шаҳримиздаги барча телефонларнинг 15—20 проценти фойдаланишга яроқсиз.


Мен ҳаво транспорт масаласига тўхташмоқчиман. Мажлисимизда сўзга чиққан депутатларнинг ҳаво транспорти хизмати ҳақидаги фикрларини давом эттириб шундай дейиш мумкин. Бугунги кунда Тошкентдан Иттифоқимизнинг кўплаб шаҳарларига самолётлар қатнайди. Ёз ойларида самолётда учувчилар ниҳоятда кўп бўлади. Депутатлар группаси ёзда аэропортда текширув ўтказганда Москвага учётган самолётларда 20—25 тага яқин бўш ўрин борлигини аниқлашди. Кассага келганларга бериладиган жавоб эса битта — «Билет йўқ» дейишади, ҳолос.

Депутат Л. В. Киреева ҳам кассалардаги аҳвол устида тўхталиб ўтди.


— Юзлаб пассажирлар билет излаб юрган бир шароитда самолётларнинг бўш ўчини қайси қоллига сиғади. Ахир бу одамлар учун ҳам, давлат учун ҳам қони зарарку!

Мажлисида сўзга чиққан депутатлар Е. И. Ушакова, С. Алимов, Р. Файзуллаевлар бугунги кун муаммолари ҳақида гапирдилар.

Шаҳар Совети депутатларининг секция мажлисларида репортажларни «Тошкент оқшоми» муҳбирлари В. МАДИМАРОВА, А. ДАМИНОВлар тайёрладилар.



Шаҳримизда биди-биридан кўрама турар-жой бинолари жуда кўплаб қурилмоқда. © СУРАТДА: «Себзор» кварталдаги уйлар.



О л и м х о т и р а с и

Ч о р а к љ р и л ђ и

Ташаккурнома

Редактор
Т. М. КОЗОКБЕК

Тошкент окшоми • 3-бет

Тантанали маросимлар учун

ТОШКЕНТ УПА-ЭЛИК
ФАБРИКАСИ ЕШ АЕЛ
ЛАРГА МОДАГА МОС
«ИРИДА» АТРИНИ ТАК
ЛИФ ҚИЛАДИ.

Нафис, баҳор гуллари
нинг муаттар нси сизнинг
ёшлигингиз ва гузаллигингиз
ни яна бир бор таъкид
лайди. Атир «экстра» груп
пасига мансуб бўлиб, ҳиди
узқоқ вақт сақланади. Баҳо
си 12 сўм.

«Муҳаббат тумори» («Ам
лет любви») атири одатда оқ
шомлари пуқалади. У сир
ли ва муаттар ясини, гео
цинг гуллариининг исини та
ратади. Атир «экстра» груп
пасига мансуб. Баҳо си 12
сўм.

ТОШКЕНТ УПА-ЭЛИК
ФАБРИКАСИ.

«Уголок» ва «Театральное»
кафелари чорлайди

Мазкур кафеларнинг ора
лиги икки қадам. Шинам
«Уголок» кафеси Инқилоб
хизбониди — Коммунистич
еская кўчасида, «Театраль
ное» кафеси эса К. Маркс

кўчасида. Горький номидаги
театр ёнида жойлашган.
Аммо уларда тайёрланади
ган таомлар бир-бирдан
фарқ қилади. «Театральное»
кафеси ширинликларни ях

ши кўрадиғанлар учун мўл
жалланган. Бу ерда сизга
«Золушка», «Нектар», «Ко
фейный» каби бир неча хил
музқаймоқларни тақлиф эти
шади. Уларга шоколад ку
нчалари, ёнғоқ, сироп қўши
лади. Музқаймоқдан ташқа
ри бошқа ширинликларни —
мусса, самбуки, қандолат
маҳсулотларини, шарбатлар
ни, фирмали ичимликларни
таъиб кўришингиз мумкин.
«Уголок» кафеси эса азал
дан ўзининг фирмали таом
ли «жўжа табака»си билан
машҳур. Қип-қизариб пиш
ган, оғзингизда курсиллай
диган жўжа хушхўр қайла
билан тортилади. «Уголок»
да қора кофе ичиб, пироже
ное тамадди қилсангиз ҳам
бўлади.

«Театральное» кафеси соат
10 дан 23 гача, «Уголок»
кафеси соат 11 дан 23 гача
ишлайди.

Киров район ошхоналар
трести. Телефон: 35-34-85.

Хотин-қизларга
ажойиб совға

Тошкентликлар ва пой
тахтининг меҳмонларини
«Ташгалантерейтор» ма
газинларига тақлиф қила
миз.

Ана шу магазинлардан сиз
хотин-қизларга ажайиб совға
— рўмол ёки дуррача харид
қилишингиз мумкин. Сидир
га ва турфа ранг гуллар бо
силган, шойи, жун аралаш ва
жунли рўмоллар ҳаммиз
мода талабларига жавоб бе
ради. Агар рўмол ёки дур
рача костюм рангига мослаб
танланса, у либосингиз чи
ройини янада очиб юборади.
Масалан ҳозир юмшоқ, кат
талиги ўртача рўмолнинг уч
ларини яшириб, бўйинга
ўраб юриш мода бўлган.
Мазкур вариант ёқасиз ки
йим, жумладан жемпер кий
ганда, айниқса ўзини оқлай
ди. Рўмол ечилиб кетмаслиги
учун уни тўғноғич билан қа
даб қўйса ҳам бўлади.

Олди очик пальто ёки жа
кет кийганда орқасини ол
динга қараб боғлаш, учлари
ни эса бантик қилиб турмақ
лаш ҳам мумкин. Ҳам чи
ройли кўринади, ҳам қулай.
Рўмол манзарали камар
ўрини ҳам босади. Бунинг
учун уни шарқ мамлакатла
рининг миллий костюмлари
да кўрсатилгандек ёки дў
ллар каби белга боғлаш
керак.

Юпқа жун рўмолни то
моқ ва кўлоқларини бекитиш
учун шляпа остидан тангиса
ҳам бўлади. Рўмолни мўй



нали ёки похол шляпа ости
дан, қаттиқроқ боғлаган маъ
қул.

Катта рўмолни елкага таш
лаб юрса ҳам бўлади. Тўшиб
кетмаслиги учун уни тўғно
ғич билан тангиса қўйилади.
Шунингдек, рўмолнинг уч
ларини олд ва орқа томондан,
камар остидан ўтказиб, ёки
бир елкага ташлаб юриш,

белга боғлаш ҳам мумкин.
Умуман, рўмол тақийш ва
риантлари жуда кўп, хайла
бироз эрки бериш лозим хо
лос.

Шойи, жун аралаш ва жун
ли рўмолларни «Ташгалан
терейтор» магазинларидан
харид қилишингиз мумкин.
«Ташгалантерейтор» (те
лефон: 53-46-37).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг
Ўзбекистон агентлиги.

Харидорларга
қулайлик яратиш учун

Статистика маълумотларига кўра, биз ҳаммамиз ўзи
мизга зарур нарсаларни харид қилиш учун бир йилда 30
миллиард соатдан зиёд вақтимизни сарфлар эканмиз.
ҳар биримиз ҳар кунни ўртача тўрт нарсани харид қи
ларканмиз. Қандай қилиб уларнинг вақтини тежаш, мага
зинлар иш тартибини яхшилаш мумкин? Қуйидаги анке
тани тўлдириб, сиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни билди
ришингиз, бу борада Тошкент шаҳар Совети ижроия ко
митетининг савдо Бош бошқармасига ердан беришингиз
мумкин.

Анкета

Савдо ташкилоти _____

Магазин № _____

Магазин адреси _____

Қандай магазин _____

(озиқ-овқат магазиними ёки саноат моллари магазиними?)

Магазиннинг очилиш вақти	Магазиннинг ёпилиш вақти
1. соат 7	1. соат 18
2. соат 8	2. соат 19
3. соат 9	3. соат 20
4. соат 10	4. соат 21
5. соат 11	5. соат 22
	6. соат 23
	7. соат 24
	8. куну-тун.

Тушки танаффус пайти _____

1. соат 12 дан 13 гача _____

2. соат 13 дан 14 гача _____

3. соат 14 дан 15 гача _____

4. соат 15 дан 16 гача _____

5. Тушки танаффус ёпилмасдан (иш вақтини бир со
атга қисқартириш ҳисобига) _____

Магазинга дам олиш кунини белгилаш керакми? _____

Ҳа _____ Йўқ _____

(маъқул топганингизнинг тагига чизинг)

Ҳафтанинг қайси кунини дам олиш кунини деб белгилаш
лозим деб ҳисоблайсиз?

Якшанба _____

Душанба _____

Сешанба _____

Чоршанба _____

Пайшанба _____

Жума _____

Шанба _____

(лозим топганингизнинг тагига чизинг)

Ўз ҳақингиздаги маълумотларни: фамилиянгиз, ис
мингиз ва отангизнинг исмини тўла кўрсатишингизни сў
раймиз.

Уй адресингиз _____

Анкета жавобларини қуйидаги адресга йўллашингизни
илтимос қиламиз: 700047, Тошкент шаҳри, Пролетар
кўчаси, 6. Телефон: 33-68-83.

Кеча-ю кундуз ишлайдиган магазинлар хизматидан фой
даланиш фойдаланмаслигингизни хабар қилишингизни сў
раймиз. Уларнинг қаерда жойлашганлиги Сизга маъқул
ми? Хизматининг бу тури тўғрисидаги фикрингиз қандай?

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ САВДО БОШ
БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИР
ЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«04» уловчи линияларида махсус алоқанинг аниқ ва
равон ишлашини таъминлаш мақсадларида автомат тарз
да жавоб қайтаргичлар ўрнатилган.

Автомат жавоб қайтаргичлар 30 секунд дақиқа ўтгач
диспетчерлик пултига абонент билан алоқага улайди.

«04» номерини терган абонент автожавоб бергич билан
мулоқатда 30 секунд кутиб туриши лозим, абонент бу
вақтда «газ аварияси» деган иборани такрор-такрор эши
тади, ана шундан сўнггина шаҳар авария хизмати диспет
чери унга жавоб қайтаради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШ
ТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА

КАСБА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

чорвачиликда сут соғувчи ва бузоқбоқар бўлиб ишлаш
ни хоҳлаган, 40 ёшгача бўлган ёлғиз хотин-қизларни

КАЛИНИН ОБЛАСТИДАГИ «АКТИВ» КОЛХОЗИГА
ташқилий равишда

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Колхозга кўчиб боришни хоҳлаганлар шинам турар
жой билан ташминланадилар, уларга томорча участкаси,
имтиёзли шартлар билан қорва моллари, озуқа, ёқилғи
акратиб берилади. Улардан 2 йил мобайнида квартира
ҳақи олинмайди.

Йўл харажатлари ва ёрдам пули колхоз ҳисобидан тўла
нади.

Ахборотлар ва ишга йўлланма олиш юзасидан қуйи
даги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Кос
монавтар проспекти, 6-уй; Т. Шевченко кўчаси, 64-уй
ва аҳолини ишга жойлаштириш марказининг район бў
лимлари.

ХУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!



Агарда соатингизнинг озикланиш элементларини ал
маштириш талаб қилинса

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛО
НИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Сизларга СЦ-21 ва СЦ-57 элементларини харид қилиш
ни тақлиф қиламиз.

Бу элементлар амалда барча маркалардаги электрон
қўл соатларига мос келади.

Озикланиш элементининг нархи — 1 сўм 55 тийин.

Адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

Тошкент шаҳар кинофильмлар
прокати идораси

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРАЛРИ
ЭКРАНЛАРИГА

«Хурматли Елена Сергеевна»

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ.

Сценарий муаллифи — Л. Разумовский, Э. Рязанов
иштирокида.

Режиссёр — Э. Рязанов.

Ролларда: М. Неелова, Н. Шуккина, Д. Марьямов ва
бошқалар.

Фильм ёшлар ҳақида ҳикоя қилади. Тўрт ўртоқ ўз
ўқитувчиларини туғилган кун билан табриклаш учун
келишади, аммо уларнинг нияти тамоман ўзгача эди.
Улар ўз олдларига имтиҳон ишлари сақланаётган шкаф
калитини қўлга киритишни мақсад қилиб қўйишган эди.
Аммо ўсимирлар фақат бир нарсани — ўқитувчилари,
яъни «зангори пайпоқ»нинг ўзига хос принципга эга бў
лиши мумкинлигини ҳисобга олишмаганди.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ
МАХСУЛОТИ.

Тошкент Давлат циркида

1988 йил 24 декабрдан 1989 йил 10 январгача—
мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ

ЦИРКДА АРЧА

Байрамни ўтказадилар
Бош ролларда: ҚОҒОБО, ҚОҒОЗ ВА БОШҚА
ЭРТАК ҲАҲРАМОНЛАРИ.

ТОМОШАЛАР:

24 ДЕКАБРДАН 30 ДЕКАБРГАЧА — соат 10.00,
12.00, 14.30, 17.00, 19.30 да;
31 ДЕКАБРДА — соат 10.00, 12.00, 14.30, 17.00
да;

1989 йил 1 январдан 10 январгача — соат 17.00,
19.30 да бошланади.
Билетлар цирк кассаларида, соат 10.00 дан 20.00 га
ча сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИВ ТУШИШ УЧУН БУЮРТ
МАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинлардан буюрт
малар навбатсиз қабул қилинади.

Справалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04,
44-35-84.

ЎЗБЕККОНЦЕРТ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

25 ноябрь соат 19.30 да
26 ва 27 ноябрь кўнлари соат 16.00 да ва 19.30 да

«Ўртоқ кино қуйлайди»

(ТУРЛИ ФИЛЛАР ҚУЙЛАРИ)

МУЗИКАЛИ-ТЕАТРАЛЛАШТИРИЛГАН
КИНО ТОМОШАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артистлари, Давлат мукофотларининг лау
реатлари — Н. БОГОСЛАВСКИЙ, Н. КРЮЧКОВ, Л.
СМИРНОВА, В. САНАЕВ;

Иттифоқдош республикаларнинг халқ артистлари:
В. БАСНЕР, Л. ХИТЯЕВА, Ал. АЛАЕВ;

РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, компози
тор Ю. САУЛЬСКИЙ;

Иттифоқдош республикаларнинг хизмат кўрсатган ар
тистлари: Л. КАНДАЛОВА, О. НАУМЕНКО, И. КА
ШИНЦЕВ, С. ТОМА, О. УХНАЛЕВ, Н. ШУКИН, А.
ФИЛИПЕНКО;

кино артистлари: О. БИТЮКОВА, Е. КОСТИНА, К.
СТОЛЯРОВ, С. ЖИГУНОВ, Д. ХАРАТЯН, Ю. АСТА
ФЬЕВ, Е. МЕНЬШОВ;

Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурсларининг лауреатлари:
О. ДЕНИСЕНКО, Ж. ЧЕРКАШЕНКО, М. АБДУЛЛАЕ
ВА, Ал. АЛАЕВ, Ал. АЛАЕВ.

«ЎРТОҚ КИНО» КОНЦЕРТ ОРКЕСТРИ.

Дирижёр — К. КРИМЕЦ.
Концертни олиб борувчи — И. МИРАКЯН.
РСФСР халқ артисти В. Левицкий постановкаси.
Режиссёр — А. ХУГАЕВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида
соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориевнинг номи Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

28, 30 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 да

М. ҚОРИЕВУВ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИ
ЛАРМОНИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА
БАРИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти
ҚИЗЛАХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА
«ПОДЛИК» ашула ва рақс ансамблининг етук
хонадаси

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВЛАРИНИНГ
ЯПОНИЯДА БУЛИБ ЎТГАН ГАСТРОЛЬ
САҒАРЛАРИ АСОСИДА

Ҳисобот концерти

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида
соат 14 дан 20.00 гача сотилмоқда.



НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕ
МИК КАТТА ТЕАТРИДА
— 25/1 да Травмата.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗ
БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х1
да Асрга татилулик кун.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКА
ЛИ ТЕАТРИДА — 25/Х1
Хотинининг эри.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ
ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТ
РИДА — 25/Х1 да Майсара
нинг иши (19.00).



25 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «КИЧИК ВЕРА»
(18.30, 20.45).

Санъат саройи — «ХУРМАТ
ЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (тоқ
соатларда ва 20.40 да); «АР
ТИСТ» (17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КИНГ
КОНГ» (17, 20.00).

Восток — «СОЛДАТ БОЛА»
(18.30, 21.00).

Фестиваль — «ҚИЗИЛ САҲ
РО» (18.30, 21.00).

Лисувов номи — «КАККУ
КУШ УЯСИ УЗРА ПАРВОЗ»
(тоқ соатларда).

Ватан — «ХУРМАТЛИ ЕЛЕ
НА СЕРГЕЕВНА» (тоқ соатлар
да ва 20.45 да).

Искра — «АМУЛАНГА»
(жуфт соатларда).

Чайка — «ХУРМАТЛИ ЕЛЕ
НА СЕРГЕЕВНА» (тоқ соатлар
да).

Нукус — «ХУРМАТЛИ ЕЛЕ
НА СЕРГЕЕВНА» (тоқ соатлар
да ва 20.45 да).

Тошкент Советининг 50 йил
лиги — «МАЮРИ» (18.30
21.00).

Дружба — «КИЧИК ВЕРА»
(17, 18, 20.00).

26 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «КИЧИК ВЕРА»
(11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Санъат саройи — «ХУРМАТ
ЛИ ЕЛЕНА СЕРГЕЕВНА» (тоқ
соатларда ва 20.40 да); «АР
ТИСТ» (12, 14.30, 17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги —
«КИНГ-КОНГ» (12, 14.30, 17,
20.00).

Восток — «СОЛДАТ БОЛА»
(11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — «ҚИЗИЛ САҲ
РО» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисувов номи — «КАККУ
КУШ УЯСИ УЗРА ПАРВОЗ»
(тоқ соатларда).

Ватан — «ХУРМАТЛИ ЕЛЕ
НА СЕРГЕЕВНА» (тоқ соатлар
да ва 20.45 да).

Искра — «АМУЛАНГА»
(жуфт соатларда).

Чайка — «ХУРМАТЛИ ЕЛЕ
НА СЕРГЕЕВНА» (тоқ соатлар
да).

Нукус — «ХУРМАТЛИ ЕЛЕ
НА СЕРГЕЕВНА» (тоқ соатлар
да ва 20.45 да).

Тошкент Советининг 50 йил
лиги — «МАЮРИ» (11, 13.30,
16, 18.30, 21.00).

Дружба — «КИЧИК ВЕРА»
(11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Бутуниттифоқ патент хиз
мати маркази

(ВЦПУ)нинг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

филиал директори вази
фасига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хужжатларни қабул қи
лиш муддати 4 декабргача.

Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Ю. Фучик
кўчаси, 2 «а» уй, 2-қават
кадрлар бўлими. Телефо
лар: 33-45-56, 33-48-56.

В. И. ЛЕНИН НОМИДА
ГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

чет тиллар (инглиз, немис,
француз)